

Кредитнинг тўлиқ қиймати:

1. Жами асосий қарз;
2. Кредит жами муддатига ҳисобланган фоиз тўловлари;
3. Суғурта харажати;
4. кредит расмийлаштириш учун комиссия ва х.к.з.

Кредит тўлиқ қиймати
5 000 000,0 сўм
Беш миллион сўм

Оқ фонда қора ранг билан 16 ўлчамдан кам бўлмаган, яхши ўқиладиган шрифтда рақам ва сўзлар билан ёзилади !!!

Рақам вергулдан кейин бир белгигача яхлит ҳисобланиши зарур.

**Жисмоний шахсларга миллий валютада
микроқарз бериш тўғрисидаги
№ _____ - сонли шартнома**

_____ ш.

20__ й. «__» _____

«Ориент Финанс» ХАТБ, бундан буён «Банк» деб аталувчи, _____ асосида ҳаракат қилувчи _____ шахсида, биринчи томондан, ва _____ манзили бўйича яшовчи _____, «Қарз олувчи» деб аталувчи, _____ асосида ҳаракат қилувчи _____ шахсида, иккинчи томондан, ушбу шартномани (бундан буён «Шартнома») қуйидагилар ҳақида туздилар:

1. ШАРТНОМАНИНГ МОҲИЯТИ

1.1. Банк Қарз олувчига Шартномада назарда тутилган шартларда Микроқарз бериш, Қарз олувчи эса Микроқарзни қайтариш ва у бўйича фоизларни тўлаб бериш мажбуриятига эгадирлар.

2. МИКРОҚАРЗНИ БЕРИШ ТАРТИБИ

2.1. Микроқарз миллий қуйидаги тартибда кредит линиясини очмасдан миллий валютада берилади:

Қарз олувчининг ссуда ҳисобварағидан фақат унинг эмитация қилинган (очик) («Картага микроқарз» кредит маҳсулоти номи остида) банк пластик карточкасига (махсус карточка ҳисобварағига) пул ўтказиш йўли билан нақдсиз шаклда;

Банк кассасидан нақдсиз шаклда («Нақд шаклдаги микроқарз») (кераклиси тагига чизиб қўйилсин).

2.2. Банк Микроқарзни мазкур Шартнома ва Таъминот шартномаси имзоланган кундан бошлаб навбатдаги иш кунидан кечиктирмасдан беради.

2.3. Ушбу шартномага биноан микроқарз суммаси _____ (_____) сўмни ташкил этади.

2.4. Микроқарз муддати – шартнома имзоланган санадан бошлаб (_____) ой.

2.5. Ойлик лавозим окладининг миқдори камайганда, Қарз олувчи 5 иш куни ичида Банкни бу ҳақида маълумот тақдим қилиш мажбуриятига эга.

**3. МИКРОҚАРЗ ФОИЗЛАРИНИ ТўЛАШ
ВА МИКРОҚАРЗНИ ҚАЙТАРИШ ТАРТИБИ**

3.1. Микроқарз қолдиғига фоизлар ҳар куни, иш кунининг охирига, йиллик 365 кун ҳисобидан ва ноль қолдиқ ҳосил бўлган кундан бошлаб ҳар ойдаги кунларнинг ҳақиқий сонига ҳисобланади. Фоизлар миқдори йиллик _____% (_____) ташкил этади. Микроқарз бўйича муддати ўтган қарздорлик бўйича Қарз олувчи муддати ўтган қарздорликнинг ҳақиқий миқдори суммасига йиллик _____% (_____)миқдордаги оширилган фоизларни тўлаб беради. Қарз олувчи, ҳар ойнинг _____ санасида, ссуда қарздорлиги қолдиғидан келиб чиққан ҳолда ҳисобланган фоизларни қайтаради/Фоизлар тўлови Микроқарз муддатининг охирида асосий қарздорликни қайтариш йўли билан амалга оширилади (кераклиги тагига чизиб қўйилсин).

3.2. Микроқарз бўйича асосий сумма, фоизлар ва бошқа тўловлар Банк кассасига пул маблағларини нақд шаклда киритиш ва/ёки ўтказиш орқали амалга оширилади. Асосий қарзни қайтариш Микроқарз муддатининг охирида амалга оширилади. Қарз олувчи Микроқарз бўйича асосий қарздорликни

мазкур Шартномага 1-сонли иловада келтирилган, белгиланган Жадвалдан келиб чиққан ҳолда амалга оширилади (кераклиги тагига чизиб қўйилсин).

3.3. Агар Микроқарзни тўлаш санаси банк иш куни ҳисобланмаса, қайтариш навбатдаги иш кунига қўчирилади.

3.4. Шартнома бўйича ҳар қандай тўловлар, тўловларнинг қуйидаги навбатига биноан йўналтирилади: (а) асосий қарз бўйича муддати ўтган фоизларни қайтариш; (б) асосий қарз бўйича муддати ўтган тўловларни қайтариш; (в) асосий қарз бўйича фоизларнинг муддатли тўловларини қайтариш; (г) асосий қарз бўйича муддатли тўловларни қайтариш

3.5. Фоизларни тўлаш ва асосий қарзни қайтариш, Фуқаролик кодексининг 783-моддасига биноан Қарз олувчининг буйруғисиз ва розилигисиз (акцептсиз тартибда) Банк томонидан пул маблағларини зарур пул маблағларини ҳисобдан чиқариш йўли билан Махсус карточка ҳисобварағида (МКХ) мавжуд бўлган ёки унга келиб тушадиган (иш ҳақи ёки қонунчилик билан тақиқланмаган бошқа маблағлар) пул маблағлари ҳисобига амалга оширилади.

3.6. Қарз олувчи Микроқарзни ва у бўйича фоизларни муддатида қайтармаган тақдирда, юзага келган қарздорликни қайтариш Банк томонидан Қарз олувчи тақдим этган таъминотга бўлган ҳуқуқлардан фойдаланиш ҳисобига амалга оширилади.

3.7. Ушбу билан Қарз олувчи Банкка, Қарз олувчининг Банкда ва бошқа банкларда очилган ҳар қандай ҳисобварақларидан Қарз олувчининг буйруғисиз ва розилигисиз, унинг Шартнома бўйича тўлов мажбуриятларини бажариш учун зарур бўлган ҳар қандай валютадаги суммани ечиб олиш бўйича қақриб олинмайдиган ва сўзсиз ҳуқуқини беради.

4. ТОМОНЛАРНИНГ ҲУҚУҚ ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ

4.1. Банк қуйидаги мажбуриятларга эга:

4.1.1. Қарз олувчига ссуда ва бошқа зарур ҳисобварақларини очиш;

4.1.2. Мазкур Шартномада назарда тутилган миқдорда ва шартларда пул маблағларидан фойдаланиш учун Микроқарз бериш;

4.1.3. Қарз олувчининг Банкдаги МКХга келиб тушадиган маблағларини юзага келган Микроқарзни қайтариш учун йўналтириш;

4.1.4. Қарз олувчини ўзи томонидан Микроқарз ва у бўйича фоизларни қайтаришда юзага келган кечиктириш ҳақида ёзма/оғзаки шаклда хабардор қилиш;

4.1.5. Микроқарздан фойдаланганлиги учун фоизларнинг тўғри ҳисобланганлиги ва ундирилганлигига риоя қилиш;

4.1.6. Қарз олувчини норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ва Банкнинг микроқарз ва ҳисоб-китоблар масалалари бўйича ички ҳужжатларидаги ўзгаришлар ҳақида хабардор қилиш.

4.2. Банк қуйидаги ҳуқуқларга эга:

4.2.1. Қарз олувчидан Микроқарздан фойдаланган вақт давомида Қарз олувчининг тўловга лаёқатлилигини аниқлаш учун зарур бўлган маълумотларни сўраб олиш;

4.2.2. Қуйидаги ҳолларда Қарз олувчидан Микроқарзни ва у бўйича фоизларни муддатидан аввал қайтаришини талаб қилиш, Микроқарз бўйича барча қарздорликларни қайтарган ҳолда Шартномани бекор қилиш:

- Микроқарз бўйича асосий қарз ва (ёки) фоизларни қайтариш муддатлари бузилганда;

- Қарз олувчи томонидан тақдим қилинган маълумотлар ва ҳужжатлар, шунингдек бошқа ҳар қандай маълумотлар (маълуморномалар ва ҳ.к.) ҳаққоний бўлмаганда;

- Қарз олувчининг молиявий аҳволи ёмонлашганда;

- ундирув Қарз олувчининг бутун мулкига ёки мулкининг бир қисмига қаратилганда ва пул суммасини тўлаш ёки сезиларли миқдорда мулк талаб қилиш ҳақида даъво киритилганда;

- Қарз олувчининг ҳисобварақларидаги (шу жумладан Банкда очилган) пул маблағлари ҳибсга олинганда;

- Қарз олувчининг МКХга 3 ой ичида аввалги сўнги уч ой учун келиб тушадиган ўртача ойлик суммасининг 50% ортиқ бўлмаган ўртача ойлик тушумлари камайиб кетганда (мавжуд бўлмаса);

- Қарз олувчида Микроқарзни қайтариш учун маблағлар келиб тушиш истиқболлари мавжуд бўлмаганда;

- Шартнома бўйича ўз мажбуриятларини бажармаганда ва Қарз олувчи томонидан Шартнома шартларининг тўлиқ ва ўз вақтида бажарилишига таҳдид соладиган бошқа ҳодисалар ва фактлар юзага келганда;

4.2.3. Қарз олувчининг МКХ бўйича назорат ва мониторинг операцияларини (шу жумладан, ҳисобварағи бўйича пул маблағларининг айланмаси, уларнинг келиб тушган ҳажми ва сарфланиш Низомини) мустақил амалга ошириш;

4.2.4. Микроқарз бўйича ўз ҳуқуқлари ва манфаатларини ҳимоялаш учун зарур ва етарли бўлган, Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилиги ва Шартномада назарда тутилган барча чораларни кўриш. Шу муносабат билан Банк томонидан амалга оширилган барча харажатлар Қарз олувчи ҳисобига копланди.

4.3. Қарз олувчи қуйидаги мажбуриятларга эга:

- 4.3.1. Микроқарз бўйича кўринишидаги таъминотни тақдим қилиш.
- 4.3.2. Иш ҳақи ва унга тенглаштирилган тўловларни ўтказиб бериш, ёки зарурат туғилганда, Банк кассасига нақд пул маблағларини киритиш йўли билан, Микроқарз бўйича асосий қарзни ва фоизларни, Шартномада назарда тутилган муддатларда ва миқдорда тўлаш.
- 4.3.3. Банкка лавозим оклади (иш ҳақи) миқдорининг камайтирилганлиги ҳақида 5 (беш) иш кунидан кечиктирмаган ҳолда хабар бериш.
- 4.3.4. Қарз олувчи ва унинг Иш берувчиси ўртасидаги меҳнат муносабатларини бекор қилган ҳолда, кейинги иш кунидан кечиктирмасдан бу ҳақида Банкка хабар бериш.
- 4.3.5. Банкни Микроқарз ва у бўйича фоизларни ўз вақтида ва тўлиқ қопланишига таъсир кўрсатишга қодир бўлган барча ҳолатлар ҳақида хабардор қилиш.
- 4.3.6. Қарз олувчининг тўловга лаёқатлилигини аниқлаш ва Шартнома бўйича мажбуриятларни (ишга кириш, иш ҳақи миқдори ва бошқалар ҳақида маълумотларни) тегишли тарзда бажариш учун зарур бўлган ҳаққоний маълумотлар ва ҳужжатларни Микроқарздан фойдаланган вақт ичида Банкка тақдим қилиш.
- 4.3.7. Кўрсатиб ўтилган ўзгаришларнинг тахмин қилинаётган санасигача ўзининг турар жойи ва иш жойи ўзгарганлиги ҳақида 5 иш кунидан кечиктирмасдан Банкни ёзма равишда хабардор қилиш.
- 4.3.8. Қарз олувчининг тегишли маълумотлари ўзгарган вақтдан бошлаб уч кунлик муддат ичида ихтиёрий шаклдаги ёзма хабарномани Банкка юбориш ёки тақдим қилиш йўли билан у билан Банкнинг алоқа усули ўзгарганлиги ҳақида, у билан алоқа қилиш учун фойдаланиладиган алоқа учун маълумотларининг ўзгарганлиги ҳақида Банкни хабардор қилиш.
- 4.3.9. Банк олдида барча мабуриятлари бўйича Микроқарз бўйича қарздорлик доирасидаги ўз мулки билан жавобгар бўлади.
- 4.3.10. Микроқарз суммасининг 125 (бир юз йигирма беш) фоиздан кам бўлмаган даражада таъминотни қўллаб-қувватлаш.
- 4.4. Қарз олувчи қуйидаги ҳуқуқларга эга:**
- 4.4.1. Микроқарздан ҳар қандай вақтда ушбу Шартномага биноан фойдаланиш.
- 4.4.2. Микроқарздан фойдаланган ҳақиқий вақт ичида ҳисобланган фоизларни тўлаган ҳолда Микроқарзни тўлиқ ёки қисман қайтаришни амалга ошириш.
- 4.4.3. Микроқарздан тўлиқ ёки қисман фойдаланишдан воз кечиш, бундай қарор қабул қилингунга қадар 3 (уч) иш кунидан кам бўлмаган муддат ичида Банкни бу ҳақида хабардор қилган ҳолда.
- 4.4.4. Ушбу Шартнома бўйича қарздорлик мавжуд бўлмаганда Шартномани муддатидан аввал бекор қилиш.

5. ИШОНТИРИШ ВА ТАСДИҚЛАШ

- 5.1. Томонлар Шартноманинг барча шартлари (томонларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари, микроқарзни қайтариш тартиби, фоизларнинг тўлов миқдори ва тартиб) барча томонлар тарафидан келишилган деб ҳисобланади ва уларнинг ҳуқуқлари ва манфаатларини чеклаб қўймайди. Қарз олувчи ўзи томонидан ихтиёрий ва онгли равишда имзоланган ушбу Шартнома бўйича фоизлар ва бошқа тўловлар билан танишиб чиққан ва улардан рози, Шартноманинг ҳуқуқий оқибатлари унга маълум ва тушунарли.
- 5.2. Томонлар шунингдек Шартнома матни билан танишиб чиққанларини, Шартнома барча шартларининг мазмуни ва аҳамияти аниқ ва тушунарли эканлиги билан танишиб чиққанларини тасдиқлайдилар, ушбу Шартнома тузилган тилга нисбатан эътирозлари йўқ эканлигини тасдиқлайдилар, бу эса ушбу Шартноманинг Томонлар ўртасида имзоланганлигидан далолат беради.
- 5.3. Қарз олувчи қуйидагиларни ишонтиради тасдиқлайди ва:
- Банкка Микроқарзни расмийлаштириш ва олиш учун тақдим қилинган/қилинадиган барча ҳужжатлар ва маълумотлар бундай ҳужжатлар ва маълумотларни тақдим қилиш санасига ҳақиқий ва ҳаққоний ҳисобланади/бўлади;
 - ҳақиқий ва шартли мажбуриятларга, шу жумладан учинчи шахсларнинг фойдасига берилган кафилликлар;
 - Қарз олувчи Шартномада назарда тутилган мажбуриятларни бажаришга ҳақлидирлар, ва ушбу мажбуриятлар ҳақиқий ҳисобланадилар;
- 5.4. Ушбу билан Қарз олувчи Банкка қуйидаги ҳаракатларни амалга оширишга чақириб олинмайдиган, сўзсиз ҳуқуқни беради қуйидаги ҳаракатларни амалга оширишга сўзсиз ҳуқуқни беради:
- Банк томонидан Миллий кредитлар тарихи институтига ва/ёки Банклараро кредит бюросига Шартнома шартларига нисбатан маълумотлар тақдим қилиш;
 - Қарз олувчининг Банкка маълум бўлган телефон рақамларига телефон қўнғироқларини амалга ошириш, манзиллари (реквизитлари) бўйича, унинг турмуш ўртоғига, шунингдек қариндошларига, ҳамда Қарз олувчининг иш берувчиларига ушбу Шартнома бўйича Қарз олувчи мажбуриятларининг бажарилиши масалалари бўйича хатлар, электрон ва SMS хабарлар юбориш;
 - Қарз олувчи билан, унинг унинг турмуш ўртоғи, шунингдек қариндошлари, ҳамда Қарз олувчининг иш берувчилари билан ушбу Шартнома бўйича Қарз олувчи мажбуриятларининг бажарилиши масалалари бўйича музокаралар ўтказиш;

- Иш берувчилардан Қарз олувчининг даромадлари ҳақида маълумотлар сўраш, микроқарз бўйича қарздорликларни сўндириш бўйича қарз олувчига тегишли бўлган пул маблағларини (иш ҳақи, нафақа пули ва ҳ.к.) юбориш талабномаси билан иш берувчиларга мурожаат қилиш.

Бунда, Банк томонидан кўрсатиб ўтилган ҳаракатларнинг амалга оширилиши банк сирини ошқора этиш ҳисобланмайди.

6. ТОМОНЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ

6.1. Асосий қарзни (муддати ўтган микроқарз бўйича) қайтариш муддати бузилганда Қарз олувчи Банкка бутун муддати ўтган давр учун Микроқарздан фойдаланганлиги учун белгиланган фоизнинг миқдоридан _____ бараварга оширилган миқдорда фоизлар тўлайди.

6.2. Асосий қарз ва/ёки у бўйича фоизлар кўрсатилган муддатда тўланмаган ва улар бўйича муддати ўтган суммалар ҳосил бўлган тақдирда, Қарз олувчи Банкка муддати ўтган тўловнинг ҳар бир куни учун муддати ўтган тўлов суммасининг 0,1 % миқдорида, бироқ муддати ўтган тўловнинг 50% ортиқ бўлмаган миқдорида пеня тўлайди.

6.3. Банк Қраздорга Микроқарздан фойдаланганлик учун ногўғри ҳисобланган ва ундирилган фоилар суммасининг 0,1% миқдорида жарима тўлайди.

6.4. Банк томонидан Шартнома билан белгиланган жавобгарлик чораларининг қўлланилиши Банкнинг мажбурияти эмас, балки алоҳида ҳуқуқи ҳисобланади.

7. НИЗОЛАРНИ ҲАЛ ҚИЛИШ

7.1. Томонлар ушбу Шартнома бўйича ўз мажбуриятларини бажариш жараёнида юзага келадиган барча низолар ва келишмовчиликлар музокаралар йўли билан ҳал қилинади. Юзага келган келишмовчиликлар музокаралар йўли билан ҳал қилиб бўлмайдиган ҳолларда, томонлар ўртасидаги низолар Ўзбекистон Республикасининг қонунчилигига биноан, Банкнинг хизмат кўрсатувчи филиали жойлашган жой бўйича тегишли суд томонидан ҳал қилинади. Низолар юзага келган тақдирда, банк ёзувлари, кўчирмалари ушбу Шартнома бўйича икала томон мажбуриятларининг устувор исботи (prima facie) ҳисобланадилар.

8. КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИ ҲАРАКАТЛАР

8.1. Ушбу Шартнома бўйича ўз мажбуриятларини бажармаганларида томонлар, бирорта қонунга зид келадиган афзалликлар ёки бошқа фойдалар олиш мақсадида ушбу шахсларни ҳаракатлантириш ёки ҳал қилишига бевосита ёки билвосита таъсир кўрсатиш учун ҳар қандай шахсга бирор хилдаги пул маблағларини тўламайдилар, тўлашни таклиф қилмайдилар, тўлашга рухсат бермайдилар.

8.2. Ушбу Шартнома бўйича ўз мажбуриятларини бажарганларида Томонлар амалдаги қонунчилик билан пора бериш/олиш, тижорат порага учириниш/хизматчини порага сотиб олиш, шунингдек жиноят ва терроризмни молиялаштириш йўли билан олинадиган даромадларни легаллаштиришга қарши курашиш ҳақидаги қўлланилаётган қонунчилик ва халқаро ҳужжатлар талабларини бузадиган ҳатти-ҳаракатларни каби ҳаракатларни амалга оширмайдилар.

8.3. Ушбу Шартноманинг ҳар бир томони бирор тарзда бошқа томонни (Банк ходимларини) рағбатлантиришдан воз кечади, шу жумладан пул суммалари, совғалар бериш, уларнинг Манзиллари бўйича беғараз ишлар бажариш (хизматлар кўрсатиш) ва Банк ходимини маълум боғлиқликка қўйиб қўядиган ва мазкур Банк томонидан уни рағбатлантирган томоннинг фойдасига бирор ҳаракатнинг бажарилишини таъминлашга йўналтирилган ҳолда.

8.4. Томонларда бирорта коррупцияга қарши шартларнинг бузилиши содир бўлганлиги ёки содир бўлиши мумкин эканлигига шубҳалар туғилган тақдирда, тегишли томон ишонч телефони орқали ёзма шаклда ёки оғзаки шаклда бошқа томонни хабардор қилиш мажбуриятига эга бўлади.

9. ШАРТНОМАНИНГ АМАЛ ҚИЛИШ МУДДАТИ

9.1. Ушбу Шартнома барча томонлар имзолаган пайдан бошлаб кучга киради ва Қарз олувчи томонидан ушбу Шартнома бўйича ўз мажбуриятлари тўлиқ бажарилгунга қадар амал қилади. Ушбу Шартнома мазкур Шартномада назарда тутилган асослар бўйича бир томонлама тартибда муддатидан аввал бекор қилиниши мумкин.

9.2. Ушбу Шартнома Томонларнинг бирининг ташаббуси билан унинг амал қилиш муддати ўтгунга қадар бекор қилинган тақдирда, Қарз олувчи Банкка Микроқарз бўйича бутун қарздорликни тўлаб бериш мажбуриятига эга бўлади.

10. БОШҚА ШАРТЛАР

10.1. Қарз олувчи ушбу Шартнома бўйича ўз ҳуқуқлари ва мажбуриятларини Банкнинг ёзма розилигисиз учинчи шахсларга беришга ҳақли эмас.

10.2. Агар ушбу Шартноманинг бир қондаси (шарти) қонун ёки суд қарорининг фойдасига ҳақиқий эмас бўлиб чиқса, бу Шартноманинг бошқа қондаларининг (шартларининг) амал қилишини бекор қилиш учун сабаб сифатида хизмат қила олмайди.

10.3. Ушбу Шартнома шартларига ўзгартиришлар ва қўшимчалар киритиш қўшимча битим тузиш йўли билан ёзма шаклда расмийлаштирилади.

10.4. Ушбу Шартномада назарда тутилмаган ҳолларда, томонлар Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилигига асосланиб иш кўради.

10.5. Ушбу Шартнома бир хил юридик кучга эга бўлган 2 нусхада тузилиб, Қарз олувчи ва Банкка бир нусхадан берилади, томонларнинг истагига кўра рус тилида ҳам тузилиши мумкин.

11. ТОМОНЛАРНИНГ ЮРИДИК МАНЗИЛЛАРИ ВА БАНК РЕКВИЗИТЛАРИ

Банк:

«Ориент Финанс» ХАТБ _____ филиали

Манзили _____

тел. _____

х/р _____

МФО _____

СТИР _____

Қарз олувчи:

Манзили _____

тел. _____

Ссуда ҳисобварағи _____

СТИР _____

Бошлик/Бошқарувчи

Бош бухгалтер

Жисмоний шахсларга миллий валютада
Микроқарз бериш тўғрисидаги
Шартномага
1-сонли илова

Микроқарз бўйича асосий қарзни қайтариш жадвали:

№	ТЎЛОВ САНАСИ	ҚАЙТАРИЛАДИГАН СУММА
1		
2		
3		
4		
5		
6		
7		
8		
9		
10		
11		
12		
ЖАЪМИ:		_____сум.

Банк:

Қарз олувчи:

Бошлиқ/Бошқарувчи

Бош бухгалтер
